

# Худудларда экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий самарадорлигини баҳолашга услубий ёндашув

## Методологический подход к оценке социальной эффективности развития экотуризма в регионах

### Methodological approach to evaluating the social efficiency of ecotourism development in the regions

Азиз ҚОДИРОВ,  
БухДУ мустақил изланувчиси.

#### Аннотация

Мақолада бугунги замонавий шароитларда худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлашда экологик туризмнинг ўзига хос аҳамияти ёритилган. Худудларда экотуризмни ривожлантиришнинг ижтимоий самарадорлиги тадқиқ этилган. Шунингдек мақолада экотуризмнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга услубий жиҳатдан ёндашилган.

В статье подчеркивается важность экотуризма в обеспечении социально-экономического развития регионов в современных условиях. Изучена социальная эффективность развития экотуризма в регионах. В статье также предлагается методический подход к повышению социальной эффективности экотуризма.

The article highlights the importance of ecotourism in ensuring the socio-economic development of the regions in today's conditions. The social effectiveness of ecotourism development in the regions has been studied. The article also provides a methodological approach to increasing the social effectiveness of ecotourism.

Глобаллашув ва иқтисодий интеграция жараёнларининг тобоар тезлашуви минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланишини ҳам таъминлашга ёрдам бермоқда. Худудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда туризм соҳаси алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги замонавий шароитларда экологик туризм жадал тараққиёт йўлидан одимлаб бораётган асосий йўналишларидан биридир. Экологик туризмнинг ривожланиши худуднинг ижтимоий кўрсаткичларига бевосита таъсир кўрсатади. Экотуристик мажмуани яратиш янги иш ўринларини беради, ишсизликдан шаҳарларга кўчишга мажбур бўлган қишлоқ аҳолисини ўз ватанларига қайтаради. Экотуризм

инфратузилмасини ривожлантиришда аҳолисиз қолган қишлоқларни жонлаштириш ҳақида фикр юритиш мумкин ҳамда маҳсулотларнинг тегишли сотиш бозорини яратиш шарти билан ҳалқ хунармандчилигини қайта тиклаш, бундан ташқари, экологик туризм инфратузилмасининг ривожланиши худуд жозибадорлигига ижобий таъсир кўрсатади ҳамда табиий муҳитда маҳаллий аҳоли учун рекреация ва дам олиш имконини тақдим этади. Экологик туризм, экспертлар таъкидлаганидек, табиий фойдаланишнинг анъанавий шакллари жонлантиради, экологик тоза озик-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлайди, тегишли инвестицион лойиҳалар ҳам экотуризмнинг инфратузилмаси-

**Калит сўзлар:** инновацион иқтисодиёт, туризм, минтақа, экологик туризм, самарадорлик, ижтимоий самарадорлик, туризм индустрияси.

ни ривожлантириш борасида, ҳам табиатни муҳофаза қилиш борасида ҳам инвестициялар ошишига олиб келади.

Этнографик нуқтаи назардан экотуризмни кўриб чиқишда, таъкидлаш жоизки, унинг ривожланиши кўриб чиқиладиган ҳудудларда яшаб турган этник гуруҳлар, қабилалар ва кичик ҳалқларнинг ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларига анчагина ижобий таъсир кўрсата олиши мумкин. Хусусан, сайёҳлар экологик йўналтирилган саёҳат доирасида нафақат табиат билан танишадилар, балки экологик туризмнинг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда халқ маданияти қадриятлари, амалий санъат, маҳаллий урф-одатлар, миллий қўшиқлар ва рақслар билан ҳам танишадилар. Бу эса ўз навбатида маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринларини яратишга ва пул маблағлари оқимининг келишига кўмаклашади ҳамда анъанавий ҳаёт тарзини сақлаб қолишга кўмаклашиши мумкин.

Экологик туризм қуйидаги масалаларда ижобий таъсир кўрсата олиши мумкин:

махсус қўриқладиган табиий ҳудудларни (МЭТХ) қўллаб-қувватлашда, уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси, шунингдек ривожланиши етарлича эмас, балки баъзи ҳолатларда сақлаб қолиш учун ҳам;

муштақам асосда табиий захираларнинг янги шакллари иқтисодиётга киритиш;

аҳолининг иқтисодий маданиятини юксалтириш.

Баҳолашда энг аҳамиятли кўрсаткич – бу ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий муҳитига туризмнинг ижтимоий таъсири ва ижтимоий самардорлиги бўлиб ҳисобланади.

Турист-рекреацион зоналар фаолиятининг ижтимоий самардорлиги маҳаллий, ҳудудий ва умумдавлат даражаларида намоён бўлади.

Маҳаллий даражада ижтимоий таъсир туристларга хизмат кўрсатиш жараёнига жалб қилинган маҳаллий аҳолининг маданий, таълим ва касбий даражасининг кўтарилиши билан шартланади.

Ҳудудий даражада таъсир қилиши эса ҳудуд иқтисодиёти тузилмасининг ўзгаришида ва реал иқтисодий ҳаётда миллий, тарихий-маданий ва бошқа анъаналардан фойдаланиш имкониятида ўз аксини топади.

Республика даражасида янги ҳудудларда туризм индустриясининг “ўсиш нуқтаси”ни шакллантириш имконияти пайдо бўлишида намоён бўлади.

Бирок, экологик туризм каби соҳани минтақавий бошқаруви доирасида юқорида келтирилган ижтимоий манфаатлар ва потенциал ижобий таъсир ижтимоий самардорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш имкониятини берадиган аниқ ҳисоблаш билан асосланиши зарур. Бу жуда муҳимдир, масалан, агар иқтисодий нуқтаи назардан иккита тенг аҳамиятли лойиҳа мавжуд бўлса, фақат биттасини амалга ошириш шароити мавжуд бўлганда, бюджет маблағларидан субсидия ажратиш ҳақидаги қарор экологик туризмни ривожлантириш бўйича лойиҳанинг ижтимоий самардорлигини маълум ҳисоблаш асосида қабул қилиниш лозим.

Таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган маълумотларга мувофиқ, экологик туризмни ривожлантиришдан фақат ижтимоий самардорликни ҳисоблаш етарлича эмас, одатда бу инвестицион лойиҳани амалга ошириш заруриятини асослашнинг иккинчи босқичи бўлиб келади. Биринчи ва асосий босқичи ривожланишнинг иқтисодий самардорлигини баҳолаш, чунки у турли даражадаги бюджетларни тўлдириш ва инвесторлар иштирокининг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги учун масъул. Умумий кўринишда, бизнинг фикримизча, экологик туризмни ривожлантиришдан ижтимоий-иқтисодий таъсирини комплекс кўриб чиқиш зарурдир.

Республика ҳудудларида экологик туризмни ривожлантиришдан иқтисодий ва ижтимоий самардорлик масалаларини кўриб чиқишда бундай ривожланишнинг салбий томонларини ҳам кўриб чиқиш лозим.

Баъзи ҳолларда экологик туризм иқтисодиётни диверсификация қилишга кўмаклашиши ўрнига қишлоқ хўжалик сектори ўрнини босиб олади. Алмаштирувчи соҳа сифатида туризмнинг шаклланиши барча ҳолатларда ҳам ҳудуднинг ижтимоий кўрсаткичларига ижобий таъсир қилмайди. Туризм, шу қаторда экологик туризм ҳам, мавсумий ҳодиса ва мавсумий талаб-эҳтиёж тебранишлари ҳар доим ҳам пасайиши мумкин эмас. Агар экологик туризм ҳудудда асосий соҳага айланиб қолган ҳолатда “пасайиш” мавсуми бандлик муаммоларини келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, экологик туризм туристларни қабул қилаётган ҳудуд ва унинг аҳолиси кўтарилган атроф-муҳитни қўллаб-қувватлашга ва ижтимоий харажатларга маълум қўшимча харажатларни келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, ҳудудда экологик туризмни ривожлантиришдан камчиликлар қуйидагича намоён бўлиши мумкин:

туризм маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлар, ер ва бошқа табиий захиралар ва кўчмас мулк нархларини кўтаради;

иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ривожланишига замин яратиши мумкин;

чет элга пул маблағларнинг чиқиб кетишини кучайтиради (туристик импортда);

бошқа соҳалар ривожланишига халақит беради, шу қаторда ўрнини боса олиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари, ҳудудда экотуризмни ривожлантиришнинг асосий тамойилларига риоя қилмаслик ҳолатида, ҳақиқатдан туризм экологик эмас, балки табиатга йўналтирилган. Шундай қилиб, экологик туризмни ривожлантириш билан боғлиқ қуйидаги муаммолар пайдо бўлишига кўмаклашиши мумкин:

1. Ижтимоий-маданий характерга эга муаммолар:

- табиий ҳудудларга антропоген юкларнинг юқори даражаси;

- ҳудуднинг маданий деградацияси;

- маҳаллий аҳолининг норозилиги, агар экологик туризмни ривожлантиришдан аҳамиятли иқтисодий даромадларни сезмаслик ҳолатида, агар экотуризм ривожланиши аҳолининг манфаатлари доирасида амалга оширилмаса;

- ҳаддан ташқари кўп тижоратлаштириш, бу ҳу-

дуднинг ўзига хослигини йўқотиш билан параллел кечади: халқ фольклори, урф-одатлар, анъаналар, ҳунармандчилик ва бошқа маданий моделлар;

2. Экологик характерга эга муаммолар:

- кундалик чиқиндиларнинг утилизацияси муаммоси;

- ландшафтлар эстетикасининг ёмонлашиши (масалан, ўрмон дарахтзорларини чопиш);

- атроф-муҳитнинг ифлосланиши (сув, ер, ҳаво);

- табиий зоналар экологиясининг бузилиши (миллий парклар ва қўриқхоналар ҳамда қўриқланадиган бошқа табиий объектлар);

- ҳудудда жойлашган тарихий ва табиий ёдгорликларга зарар етказиш.

Таъкидлаш жоизки, экологик туризмнинг ривожланиши ҳудуд, маҳаллий аҳоли, бюджетни тўлдириш учун кўп сонли ижобий аспектларни олиб келади. Бироқ, унинг ривожланиши фақатгина ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларни йўналтирилмаслик лозим, бундай лойиҳаларни амалга оширишнинг экологик хавфларини инобатга олиш зарур. Чунки экологик ва табиатга йўналтирилган туризм ўртасида ҳудудий ва маҳаллий ҳукуматлар ҳамда инвесторлар учун сезилмас қирра мавжуд. Бу борада бизнинг фикримизча, махсус концепция зарур. Унда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг экологик вазиятга таъсири ва бундай ривожланиш учун шароитлар яратилиши акс этилган, бу эса атроф-муҳит муҳофазасига кўмаклашади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5611-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4143188>

Болтабоев М.Р., Тухлийев И.С., Сафаров Б.Ш. Туризм: назария ва амалиёт. Дарслик. Т.: “Фан ва технология”, 2018 й.

Хамидов О.Х. Экотуризмни бошқариш механизмини такомиллаштириш-туризм соҳасини стратегик ривожлантиришнинг муҳим йўналиши “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 й.

Қодиров А.А. Экологик туризм захираларидан оқилона фойдаланиш муаммолари ва истиқболларини баҳолаш масалалари// “Логистика ва иқтисодиёт” илмий электрон журнали, №5 2021 й. 322-328 б.